# ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 1

2022 йил 19 сентябрь Жиззах шахри

1. **«Жиззах Перинатал маркази»** келгуси уринларда «Буюртмачи» деб аталиб хамда Низомга асосан иш юритувчи номидан директор Шодмонов Н. М. бир томондан ва **«Азиз Омон Бунёдкор» МЧЖ кейинги уринларда «Пудратчи» деб аталиб хамда Низомга асосан иш юритувчи номидан рахбар** Каримов Азизбек иккинчи томондан мазкур пудрат шартномасини куйидагиларга асосан туздилар:

## 2. Шартнома мавзуси.

| № | Хизмат тури | Ўлчов бирлиги | Сони | Нархи | Суммаси |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Иситиш қозонхонасини янгилаш ва иситиш тизимини жорий таъмирлаш | Услуга | 1 | 301100000,00 | 301100000,00 |
| | **Жами** | **x** | **x** | **x** | **301100000,00** |

**2.** Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофик Жиззах вилояти Бунёдкор махалласи Калия кучаси 1-уйда жойлашган “Жиззах Перинатал маркази” биносини жорий таъмирлаш объекти буйича лойиха хужжатларида кузда тутилган объектни тайёр холда куриш буйича курилиш ишларини бажариш мажбуриятини олади.

**3.** Буюртмачи Пудратчига курилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни кабул килиш ва туловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

## 3. Шартнома бахоси.

3.1. Шартномага мувофик 301100000 (Уч юз бир миллион бир юз минг) объектида бажариладиган ишлар киймати млн. сумни ташкил этади.

3.2. Шартнома бахоси ўз ичига бюджет ва бюджетдан ташкари барча туловларни олади.

3.3. Шартноманинг бахоси тарафларнинг хар иккаласи томонидан маъкулланиб, «ўзгартирилиши» мумкин. Сметада назарда тутилган, лекин шартнома бахосидан ошиб кетадиган ишларни бажариш пудратчини хабардор қилган холда ва пудратчи розилиги билан амалга оширилади, ушбу шарт бузилганда қилинган харажатлар тулаб берилмайди. Шартнома бахосидан ошиб кетиш билан боглик харажатларни тулаш юқоридаги қоидадан келиб чикиб, ушбу шартноманинг 3-бандида назарда тутилган тартибда “пудратчи” томонидан амалга оширилади.

## 4. Тулов шартлари.

4.1. Ушбу шартнома буйича тулов “Буюртмачи” томонидан молиялаштирилгандан кейин тарафлар уртасида бажарилган ишларни топшириш ва кабул килиш далолатномасига асосан белгиланган тартибда объектнинг умумий шартномавий кийматининг 30 фоиз тўловини олдиндан амалга оширилади. Қолган 70 фоиз тўловини бажарилган ишлар далолатномасига асосан ўтказиб берилади

4.2. Тулов шакли накдсиз пул кучириш йули билан тулов топширикномаси асосида булади.

4.3. Пудратчининг такдим этган хужжатларига асосан Буюртмачини ваколатли вакилининг ижобий хулосасига кура Пудратчини бажарган ишларига тулов амалга оширилади.

## 5. Мажбуриятларни бажариш муддатлари.

5.1. Пудратчи ушбу шартноманинг 1-булимида назарда тутилган ишларни белгиланган муддатли режасида назарда тутилган муддатда бажаради.

5.2. Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишга такдим килинган хисоб-фактурага асосан 3 иш куни муддатда хак тулайди.

5.3. Мазкур шартномани тарафлар имзолаган кундан бошлаб кучга киради ва улар мажбуриятларини тўлик бажаргунга қадар амал килади.

## 6. Тарафларнинг мажбуриятлари

**6.1. Пудратчи:**

6.1.1. Уз кучи ва воситаси билан календар иш режасида назарда тутилган барча ишларни тула хажмда ва муддатида бажариши ва тегишли лойиха хужжатларидаги холатда ишларни Буюртмачига топшириши:

6.1.2.Календар иш режасида белгиланган хажмда ва муддатда объектни Буюртмачига топшириши;

6.1.3. Техника хавфсизлиги, ёнгин хавфсизлиги ва объектни куриклаш буйича зарурий чора-тадбирларнинг бажарилишини таъминлаши;

6.1.4. зарур холларда объектга лойихага биноан зарур булган материалларни, конструкцияларни, бутловчи ашёларни етказиб бериш ва уларни кабул килиш, тушириш, тахлаш хамда саклашни амалга ошириши;

6.1.5. Пудратчи объект фойдаланишга топширигунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунгача қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади;

6.1.6.Қурилиш объектида назорат қилувчи идоралар (курилиш назорат инспекцияси) томонидан ўтказилган текширишда аниқланган камчиликларни ўз хиссобидан бартараф этади ва аниқланган камчиликлар учун шахсан жавобгар хисобланади.

**6.2. Буюртмачи:**

6.2.1. Ушбу шартноманинг 1-булимида назарда тутилган ишларга, шартномада белгиланган микдорда ва муддатда Пудратчига хак тулаши.

6.2.2. Пудратчидан ёзма хабарнома олган санадан бошлаб бир хафта ичида объектни кабул килиши шарт.

## 7. Тарафларнинг жавобгарлиги

7.1. Тарафлар шартнома буйича мажбуриятларини бажариш муддатларини бузганлиги учун айбдор тараф бошка тарафга кечиктирган хар бир куни учун мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмидан 0,5 фоиз микдорида пеня тулайди, бирок бундан пеня киймати бажарилмаган ишлар ёки курсатилмаган хизматлар кийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

7.2. Тарафлардан бири ушбу шартнома буйича бошка мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган холларда айбдор тараф бошка тарафга бой берилган фойдани кушиб, курган зарарларни коплайди.

7.3. Жарима ва пеня тулаш тарафларни мажбуриятларни бажариш ёки бузилган хукукни бартараф, этишдан озод этмайди.

## 8. Форс- мажор холатлари

8.1. Тарафларнинг бирортаси хам бошка тарафнинг олдида ушбу шартнома буйича олган мажбуриятларни тарафларнинг эрки ва истагидан ташкари пайдо булган ва уларни олдиндан кура билиши ёки бартараф этиши мумкин булмаган холатлар, бунга кушиб уруш эълон килиниши ёки амалда бошланганлиги, фукаролик тартибсизлиги, вабо таркалиши, блокада, эмбарго, ер кимирлаши, сув босиши, ёнгин ва бошка табиий офатлар билан боглик холда бажармаганликлари учун жавобгар булмайди.

8.2. Бартараф килиб булмайдиган кучларнинг мавжудлиги ёки амалда давом этаётганлигини Узбекистон Республикаси Хукуматининг шунга оид карорлари ёки бошка ваколатли органлар томонидан берилган гувохномалари унинг етарли даражадаги тасдиги булиб хисобланади.

8.3. Уз мажбуриятини бажармаган тараф шартнома буйича мажбуриятни бажаришга унинг таъсир курсатиши ёки монелик килиши тугрисида бошка тарафга имкон кадар тезда хабар бериши лозим.

8.4. Агар бартараф килиб булмайдиган кучлар уч ой давомида мунтазам таъсир этаётган булса ва тугаш белгилари аникланмаса, Буюртмачи ва Пудратчи бошка тарафга хабар юбориш йўли билан ушбу шартномани ёзма равишда бекор килиниши мумкин.

## 9. Низоларни хал килиш тартиби

9.1. Тарафлар уртасида ушбу шартнома буйича ёки у билан боглик пайдо буладиган барча низолар ёки келишмовчиликлар тарафлар уртасида музокара йули билан хал килинади.

9.2. Агар келишмовчиликларни музокара йўли билан хал килиб булмаса, улар конун хужжатларида белгиланган тартибда Жиззах туманлараро иқтисодий судида курилишга тегишли булади.

## 10. Шартномага кушимча ва узгартишлар киритиш ҳамда бекор қилиш тартиби

10.1. Ушбу шартномага хар кандай киритилган кушимча ва узгартишлар ёзма равишда расмийлаштирилиб, хар иккала тараф имзолаган холлардагина хакикий кучга эга булади.

10.2. Шартномани муддатидан олдин бекор килиш тарафларнинг келишуви буйича ёхуд Узбекистон Республикасининг амалдаги Фукаролик кодекси ва «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий хукукий базаси тугрисида»ги Конун хужжатларида назарда тутилган асослар буйича, етказилган зарарларни коплаш билан амалга оширилиши мумкин.

10.3. Буюртмачи куйидаги холларда шартномани бекор килишга хакли:

- Пудратчининг айби билан ишларнинг боришини сусткашлик билан тухтатиб турилиши, яъни ушбу шартномадаги ишларнинг тамом булиш муддати бир ойдан купга ошиб кетганда;
- Пудратчининг шартнома шартларини бузиши натижасида лойихада курсатилган ишларнинг сифати пасайганда.
- **Пудратчи томонидан олиб келинган ва фойдаланилаётган хом ашё ва махсулотлар белгиланган сифат ва талабларга жавоб бермаганда.**

10.4. Пудратчи куйидаги холларда шартномани бекор килишга хакли:

- Буюртмачи томонидан Пудратчига боглик булмаган сабаблар буйича курилиш-монтаж ишларининг боришини бир ойдан ошадиган муддатга тухтатиб турганда;
- Буюртмачи томонидан кейинчалик курилишни молиялаш имконияти йукотилганда.

10.5. Шартномани бекор килишга карор килган тараф бошка тарафга ёзма хабарнома юборади.

## 11. Бошка шартлар

11.1. Объектлар ва унга кирувчи инженерлик тизимлари, жихозлар, материаллар хамда ишларнинг меъёрида ишлашига кафолатланган муддати, унинг учинчи шахслар тарафидан кузланган ниятда шикаст етказган холлари бундан мустасно килинади.

11.2. Объектни ёпишга кафолатланган муддат 36 ой.

11.3. Агар объектнинг кафолатланган фойдаланиш муддати давомида унинг меъёрида фойдаланишга йул бермайдиган ёки фойдаланишни чеклайдиган камчиликлари аникланса, кафолат муддати улар бартараф килгунга кадар булган вактгача узайтирилади. Камчиликларни бартараф килиш Пудратчи хисобидан амалга оширилади.

11.4. Камчиликларнинг мавжудлиги ва уларни бартараф килиш муддатлари Буюртмачи ва Пудратчининг икки томонлама далолатномасида акс эттирилади.

11.5. Агар Пудратчи аникланган камчиликлар далолатномасида курсатилган муддат ичида бажарилган ишларнинг, бунга жихозларини хам кушиб, камчиликларини бартараф килмаса, уларни Буюртмачи бошка бажарувчининг кучи билан, харажатларни ва барча зарарларни Пудратчи хисобидан амалга оширилиши оркали бартараф килишга хакли.

11.6. Пудратчи аникланган камчиликлар тасдиклаш далолатномасини тузиш ёки имзолашдан бош торттанда, Буюртмачи малака экспертизасини тайинлайди, экспертиза камчиликлар ва уларнинг тусларини акс эттириш буйича тегишли далолатнома тузади хамда тарафни мазкур масала буйича туманлараро Иқтисодий судига мурожаат килиш хукукини мустасно килмайди.

11.7. Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга булган, 2 ( икки) нусхада тузилди.

## Тарафларнинг юридик манзиллари ва тулов реквизитлари:

**БУЮРТМАЧИ:**

«Жиззах вилоят перинат»МЧЖ м-зи
Жиззах ш. Бунёдкор м-си
х/с: 100021860084717073310084001
ИНН: 200342764 МФО: 00014
р/с: 23402000300100001010.

Рахбар: ____________ Н.И. Шормонов

**ПУДРАТЧИ:**

**«Азиз Омон Бунёдкор» МЧЖ**
**Жиззах шахар А.Навоий МФЙ**
**х/р 20208000900631571001**
**АТ «Алока банки» Жиззах филиали**
**МФО 00401 ИНН 304065461**

Рахбар: ____________

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI JIZZAX VILOYAT PERINATAL MARKAZI

AZIZ OMON BUNYODKOR

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Жиззах вилоят Перинатал маркази
директори ____________ Шодмонов Н.М.

Жиззах вилоят Перинатал маркази учун бюджет маблағлари хисобидан зарур булган товар моддий бойликлари, дори-дармонлар ва озик – овкатлар товар (ишлар, хизматлар) ларни харид қилиш бўйича танлов ўтказиш комиссиясининг

**МАЖЛИС БАЁННОМАСИ № 94**

2022 йил « 19 » « Сентябрь » Жиззах шахар.

Жиззах вилоят перинатал маркази рахбари Шодмонов Н.М.

2022 йил «05» январдаги № 3-сонли бўйруғи билан тасдиқланган танлов комиссияси аъзолари қуйидаги таркибда.

Қатнашдилар:

Нуруллаев Б. Жиззах вилоят перинатал маркази бахолаш танлов комиссиясининг раиси

КОМИССИЯ АЪЗОЛАРИ:

Темирова Д. Жиззах вилоят перинатал маркази врач лаборанти.
Худойназаров Н. Жиззах вилоят перинатал маркази ички дорихона мудири.
Тажибоева Р. Жиззах вилоят перинатал маркази хўжалик бекаси.
Норматов Б. Жиззах вилоят перинатал маркази хисобчиси.
Алижонов Д. Жиззах вилоят перинатал маркази хисобчиси.

**Кун тартиби:**

Жиззах вилоят перинатал маркази учун зарур бўлган иситиш қозонхонасини янгилаш ва иситиш тизимини жорий таъмирлаш учун (ишлар, хизматлар)ларни харид килиш (бажариш) буйича махсус ахборот порталига 07.09.2022 йилдаги № 147387-сонли иситиш қозонхонасини янгилаш ва иситиш тизимини жорий таъмирлаш хизмати бўйича ўтказилган электрон танлов юзасидан келиб тушган эътирозлар бўйича

Жиззах вилоят перинатал маркази учун зарур бўлган иситиш қозонхонасини янгилаш ва иситиш тизимини жорий таъмирлаш бўйича иштирок этган даъвогар таўкилотлар ва уларга қўйилган умумий баллар

| № | Товар (иш, хизмат) нинг номи | Ўлчов бирлиги | Сони | **OOO NURPO'LAT-TEMURBEK** | | **AZIZ OMON BUNYODKOR MCHJ** | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | Таклиф этилган нархи | Умумий балл | Таклиф этилган нархи | Умумий балл |
| 1 | Иситиш қозонхонасини янгилаш ва иситиш тизимини жорий таъмирлаш | Услуга | 1 | 301000000,00 | 86,94 | 301100000,00 | 96,43 |
| | **Жами** | **х** | **х** | **301000000,00** | **Х** | **301100000,00** | **х** |

Талабгорлар томонидан 07.09.2022 йилдаги № 147387-сонли иситиш қозонхонасини янгилаш ва иситиш тизимини жорий таъмирлаш хизмати бўйича ўтказилган электрон танлов юзасидан 19.09.2022 йил соат 13:00 га қадар хеч қанақа ёзма ёки оғзаки эътироз ёки мурожаатлар келиб тушмади.

Харид комиссияси Жиззах вилоят перинатал маркази учун зарур бўлган иситиш қозонхонасини янгилаш ва иситиш тизимини жорий таъмирлаш хизмати бўйича ўтказилган электрон танлов бўйича

**Қарор қилади:**

Жиззах вилоят перинатал маркази учун зарур бўлган иситиш қозонхонасини янгилаш ва иситиш тизимини жорий таъмирлаш хизмати бўйича ўтказилагн электрон танловда жами 96,43 балл билан ғолиб бўлган **AZIZ OMON BUNYODKOR MCHJ** билан шартнома имзоланиб, Ғазначилик бўлимидан ўтказилсин.

Нуруллаев Б ____________________

Темирова Д. ____________________

Худойназаров Н. ____________________

Тажибоева Р. ____________________

Норматов Б. ____________________

Алижонов Д. ____________________

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
DAVLAT SOLIQ QO'MITASI

ГОСУДАРСТВЕННЫЙ НАЛОГОВЫЙ КОМИТЕТ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

# QO'SHILGAN QIYMAT SOLIG'I SOLIQ TO'LOVCHISI SIFATIDA RO'YXATDAN O'TGANLIGI TO'G'RISIDA
# G U V O H N O M A

# С В И Д Е Т Е Л Ь С Т В О
# О РЕГИСТРАЦИИ В КАЧЕСТВЕ НАЛОГОПЛАТЕЛЬЩИКА НАЛОГА НА ДОБАВЛЕННУЮ СТОИМОСТЬ

QQS RO'YXAT RAQAMI
РЕГИСТРАЦИОННЫЙ НОМЕР НДС — 308120194212

Mazkur guvohnoma QQS soliq to'lovchisi sifatida hisobga qo'yilganligi va QQS shaxsiy ro'yxatga olish raqami berilganligini tasdiqlaydi

Настоящее Свидетельство подтверждает постановку на регистрационный учет в качестве налогоплательщика НДС и присвоения индивидуального регистрационного номера НДС

| | |
|---|---|
| Soliq to'lovchining nomi<br>Наименование налогоплательщика | "AZIZ OMON BUNYODKOR" MCHJ |
| Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami<br>Идентификационный номер налогоплательщика | 304065461 |
| Shaxs QQS soliq to'lovchisi bo'lgan sana<br>Дата с которой лицо становится плательщиком НДС | 01.08.2022 |
| Ro'yxatdan o'tish sanasi<br>Дата регистрации | 28.07.2022 |

Ma'lumotnomada ko'rsatilgan ma'lumotlar to'g'riligini tekshirish uchun mobil telefon yordamida QR-kodni skaner qiling.
Отсканируйте QR-код при помощи мобильного устройства для проверки подлинности информации.